

Мухаммад II Алоуддин, Алоуддин Мухаммад
(тахм. 1182-1220-йил декабр)
(1200-1220)

Ануштегинийлар сулоласидан бўлган Хоразмшоҳлар давлати хукмдори. Тўлик исми Кутбиддин Мухаммад ибн Такаш ибн Эларслон ибн Ануштегин. Отаси – Такаш хоразмшоҳ, онаси Туркон хотун кипчок хони Жонкишининг кизи. Мухаммад 1193-йил декабрда отаси томонидан Нишопур шахрига волий (хоким) қилиб тайинланган. Мухаммад даврида салтанат ҳам худудий, ҳам куч-қудрат жихатидан ўзининг юксак чўққисига етган. Мухаммад даврида Хоразмшоҳлар давлати шимолда Орол, гарбда Каспий денгизигача, жанубда Ирок ва Газнагача, шарқда Еттисувгача кенгайган. У мамлакатни кенгайтириш сиёсатини олиб боради. Даставвал у Хирот ва унинг атрофлари ҳамда Хуросоннинг Хоразм давлати тасарруфига киритилмаган вилоятларини забт қилишга киришади. Айниқса, у қорахонийларга зарба бериб, Мовароуннахрни улар қўлидан тортиб олишга ҳаракат қилади.

1218-йил Чингизхон Мухаммад ҳузурига шахсий вакили Ухуна бошлик 500 туядан ортиқ элчи ва савдогарлар қарвони Ўтрорга кириб келди. Ўтрор ҳокими Инолчик қарвонни ушлаб, элчиларни қатл эттирган. Мухаммаднинг давлатини яхши ўрганган Чингизхон Хоразмга қарам халқларнинг норозилигидан, лашкарбошилар орасидаги низолардан, Мухаммаднинг онаси Туркон хотун қариндошлари орасидан чиққан амалдорлардан фойдаланиши ҳамда Мухаммаднинг мўғуллар ҳужуми хабарини амалга оширган нотўғри тадбирлари (ҳар бир шаҳар ўз-ўзини ҳимоя қилиши; раиятдан 1 йил учун 3 баробар хирож йиғиши) сабабли муваффақиятга эришди.

Чингизхон Хоразмга юриш қилиб Ўтрор (1219), Бухоро ва Самарканд (1220)ни босиб олди. Мухаммад Мовароуннахрни ташлаб Хуросон тарафга қочди. Чингизхоннинг 20 минглик қўшинининг тинимсиз таъқиб қилиши Мухаммадга ўз қучларини қайта тўплаб, нафасини ростлашга имкон бермади.

Каспий денгизининг Ашур оролига бориб қолган Мухаммад қаттиқ бетоб бўлиб қолди ва умрининг охирида олдинги қарорини ўзгартириб, ўғли Кутбиддин Ўзлокшохнинг ўрнига Жалолиддин Мангубердини валиаҳд деб эълон қилди. Ўша оролда вафот этди ва шу ерда дафн этилди. Кейинчалик Жалолиддиннинг фармойишига кўра, Мухаммаднинг жасади Исфahондаги хоразмшоҳларнинг хотирасига қурилган макбарага қўмиш учун Ардахн қалъасига келтирилган.